

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИНОГАМОВА ДИЁРА ТЕЛМАНОВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТУР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
КОРОНАР ТОМИРЛАРНИНГ ЭНДОВАСКУЛЯР
РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИДА ГАЛЕКТИН-3 ВА Н-ҒАВР
МАРКЕРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Иногамова Диёра Телмановна

Қандли диабет 2 тур билан оғриган беморларда коронар
томирларнинг эндоваскуляр ревазуляризациясида

Галектин-3 ва Н-FABP маркерларининг самарадорлиги..... 3

Иногамова Диёра Тельмановна

Эффективность маркеров галектин-3 и Н-FABP при
эндоваскулярной ревазуляризации коронарных

сосудов у больных с сахарным диабетом 2 типа..... 25

Inogamova Diyora Telmanovna

Efficacy galectin-3 and H-FABP markers in endovascular
revascularization of coronary vessels in patients

with type 2 diabetes mellitus..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИНОГАМОВА ДИЁРА ТЕЛМАНОВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТУР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
КОРОНАР ТОМИРЛАРНИНГ ЭНДОВАСКУЛЯР
РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИДА ГАЛЕКТИН-3 ВА Н-ҒАВР
МАРКЕРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib3012 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.endomarkaz.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдарова Феруза Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Гулнара Нишановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Шерзод Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: info@endomarkaz.uz).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.А. Мирсаидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.О. Алимухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юрак-қон томир касалликлари ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Коронар юрак касаллигининг (КЮК) 2-тур диабет (ҚД) билан оғриган беморларда тарқалиши анча юқори. Кўплаб эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «...2-тур ҚД юрак ишемик касаллигига билан оғриган беморларда юрак етишмовчилиги (ЮЕ) хавфини оширади. Шунингдек, айланиб юрувчи юқори сезгир юрак тропонинлари ва галектин-3 юрак-қон томир хавфини аниқлаш учун самарали саналади...»¹. 2-тур диабет билан оғриган беморларда коронар томирларни эндоваскуляр реваскуляризация қилишда галектин-3 ва Н-ФАВР маркерларининг самарадорлигини ўрганиш замонавий клиник тиббиётнинг сифати ва хавфсизлигини оширишга қаратилган долзарб, илмий асосланган ва юқори даражада талаб қилинадиган соҳасидир.

Жаҳонда Галектин-3 ва юракка хос ёғ кислотасини боғлайдиган оқсил (Н-ФАВР) сўнгги йилларда юракни қайта қуриш ва миокард микрошикастланишининг истиқболли биомаркерлари сифатида ўрганишга қаратилган қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада эндоваскуляр коронар реваскуляризациядан ўтган 2-тоифа диабет билан оғриган беморларда уларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини ҳар томонлама баҳолаш, стентлашдан кейин галектин-3 ва Н-ФАВР даражаларининг динамикаси ва клиник ва инструментал параметрлар билан боғлиқлигини ўрганиш метаболик касалликларда миокард репаратив жараёнларининг механизмларини чуқурроқ тушуниш, эндоваскуляр аралашувлардан сўнг 2-тоифа диабет билан оғриган беморларни даволаш учун шахсийлаштирилган алгоритмларни ишлаб чиқиш, дори терапияси режимларини оптималлаштириш ва асоратларни башорат қилишни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалар талабларига мослаштириш, жумладан, юрак-қон томир касалликларини ва 2 тур қандли диабетни эрта аниқлаш ҳамда унинг асоратлари, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириш бўйича муайян чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² муҳим вазифалардан саналади. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш юзасидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсада мувофиқдир.

¹Berezin AE, Berezin AA. Circulating Cardiac Biomarkers in Diabetes Mellitus: A New Dawn for Risk Stratification-A Narrative Review. *Diabetes Ther.* 2020 Jun;11(6):1271-1291. doi: 10.1007/s13300-020-00835-9. Epub 2020 May 19

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сонли «Қандли диабет ва йод танқислигининг бирламчи профилактикаси масалалари бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сонли «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЮЕ - бу глобал пандемия бўлиб, 2017 йилда бутун дунё бўйлаб тахминан 64,3 миллион киши ушбу касаллик билан оғригани ҳисобланган (Wengen IT, Enger TB, Widim W., 2017). АССФ/АХАнинг амалдаги тавсиялари ЮЕда ташхис қўйиш ва касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун клиник воситалар ва тасвирлаш усуллари билан биргаликда биомаркерларни қўллашни таклиф этади. Бироқ, биомаркерларнинг миқдорлари ёки касалликнинг аниқ ташхиси, прогнози ва фаоллигидаги ўрни ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти дифференциацияланмаган ЮЕ ёки ОФкЮЕ тадқиқотларидан олинган. ОФкЮЕ асосидаги механизмларни тушуниш ривожланишда давом этар экан, нейрогормонал фаоллик, миокард шикастланиши, яллиғланиш ва фиброз каби турли йўллари акс эттирувчи биомаркерлар тобора кўпроқ клиник ва диагностик аҳамият касб этмоқда (Vergaro G., Aimò A., Januzzi J.L. Jr, 2022).

Чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚОФ) 40% дан 49% гача бўлган юрак етишмовчилиги (ЮЕ) бўлган беморларда ташхис ўртача отиш фракцияли юрак етишмовчилиги (ЎОФЮЕ) сифатида тавсифланган (Montalescot G., Sechtem U., Achenbach S., 2013; Ter Maaten J.M., Damman K., Verhaar M.C., 2016; Topf A., Mirna M., Ohnewein B., 2020).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан ўзбек популяциясидаги шахсларда 2 турдаги қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги синдроми патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатлари ўрганилган (Юсупова Ш.К., 2022), сурункали юрак етишмовчилигининг 2 тур қандли диабет билан бирга учрашида эндотелиал дисфункциянинг ролини тадқиқ этишган (Бабамурадова З.К., Насирова А.А., Искандарова Ф.И., 2021). Бироқ, ушбу йўналишнинг юқори долзарблигига қарамай, маҳаллий ва хорижий адабиётларда биз галектин-3 ва Н-FAVP нинг прогностик роли, шунингдек, уларнинг коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризацияси (КТЭР) ўтказилган беморлар миокардининг кейинги функционал ҳолатига таъсири ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Юқорида келтирилган барча ҳолатлар мазкур тадқиқотни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, шунингдек, академик В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази билан тузилган илмий шартнома асосида 2021-2023 йилларда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади юрак ишемик касаллиги ва 2-тур қандли диабетга чалинган беморларда коронар томирлар эндоваскуляр реваскуляризациясидан (КТЭР) кейин Галектин-3 ва Н-FAВР маркерларининг клиник ва прогностик аҳамиятини баҳолаш, шунингдек, иккиламчи таҳлилда ушбу биомаркер кўрсаткичларини аорта-коронар шунтлаш (АКШ) амалиётидан кейинги беморлар гуруҳи билан таққослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2-тур қандли диабет билан касалланган беморларда КТЭРдан олдин ва 3 ойдан кейин Галектин -3 ва Н-FAВР миқдорларининг ўзгаришини баҳолаш;

Галектин -3 ва Н-FAВР ўзгаришларининг марказий гемодинамика, липид ва углевод алмашинуви ҳамда қон ивиш кўрсаткичлари билан алоқадорлигини таҳлил қилиш;

Галектин -3 ва Н-FAВР нинг эрта салбий оқибатларни (симптомларнинг сақланиб қолиши, қайта касалхонага ётқизиши) прогноз қилишдаги аҳамиятини баҳолаш;

КТЭР ва АКШ ўтказилган беморларда бошланғич ҳолат оғирлиги ва клиник хусусиятлардаги фарқларни инobatга олган ҳолда Галектин -3 ва Н-FAВР ўзгаришларининг йўналишларини солиштириш;

КТЭР ва АКШ гуруҳларида касалликнинг салбий кечишининг мустақил предикторларни аниқлаш учун кўп омилли моделлар ва ROC-таҳлилини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризацияси ўтказилган 2-тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги бўлган 80 нафар бемор танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қон зардобидаги галектин-3 ва Н-FAВР биомаркерларини баҳолаш материаллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий (қондаги глюкоза, гликирланган гемоглобин, билирубин, АЛТ, АСТ, липид спектри, ПТИ, мочевина, креатинин, галектин-3, Н-FAВР миқдорлари) ҳамда инструментал текширувлар: ЭКГ, Эхо-ЭКГ, юрак коронар томирларининг ангиографияси, қон босимининг суткалик мониторинги ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда кенг қамровли клиник ва лаборатор тадқиқотлар асосида эндоваскуляр реваскуляризацияси (КТЭР) ўтказилган 2-тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда

Галектин-3 ва Н-FABP биомаркерларининг ташхис ва прогностик аҳамияти асосланган;

КТЭР дан 3 ой ўтгач, Галектин-3 ва Н-FABP миқдорлари сезиларли даражада пасайиши аниқланиш асосида миокарддаги яллиғланиш-фибротик ва ишемик жараёнларнинг камайганлигини кўрсатади ва реваскуляризация самарадорлигининг эрта даврдаги мезони сифатида хизмат қилиши мумкинлиги исботланган;

илк бор, ЭхоКГ маълумотларига кўра марказий гемодинамик кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлмаса ҳам, Галектин-3 ва Н-FABP миқдорининг ўзгариши жарроҳлик амалиётдан кейин миокарднинг метаболик ва морфофункционал ҳолатининг яхшиланишини холисона баҳолаш имконини бериши исботланган;

РОС таҳлили асосида Галектин-3 ва Н-FABP учун чегаравий қийматлар аниқланган ва бу қийматлар эндоваскуляр реваскуляризациядан сўнг 2-тур қандли диабет билан касалланган беморларда юрак етишмовчилигининг қайталаниш хавфини эрта аниқлашда юқори сезувчанлик ва спецификликка эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризациясидан кейинги юрак-қон томир асоратларининг предикторлари аниқланган;

операциядан олдинги клиник-анамнестик, биокимёвий ва инструментал хавф омилларини ҳисобга олиш 2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризацияси самарадорлигини операциядан кейинги дастлабки даврда оширилган;

2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда миокарднинг салбий қайта шаклланишининг энг маълумотли прогностик омилларини аниқлашга имкони бериб, булар галектин-3 ва Н-FABP миқдорларининг ошиши ҳамда операциядан кейинги даврда яллиғланиш асоратларининг хавф омили сифатида СРО миқдорининг операциядан олдинги кўрсаткичининг юқори бўлиши ҳисобланган;

операциядан кейинги 48 соат ичида липид спектри, мочевина, креатинин миқдорларининг ўзгаришини таҳлил қилиш, операциядан кейинги эрта даврда КФТни ҳисоблаш каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризациясидан кейин юрак-буйрак муносабатларининг ҳолатини баҳолаш имконини берган, бу ўз навбатида, коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризациясидан кейин юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ва асоратларнинг олдини олишни асосли равишда амалга ошириш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, биокимёвий, инструментал текширувлар ва статистик усуллари ёрдамида

ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлигини, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касаллик кечишини ўрганиш натижалари 2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва бошқа асоратларни олдини олиш мақсадида коронар томирларнинг эндоваскулярь реваскуляризацияси самарадорлигини баҳолаш алгоритмларини ишлаб чиқиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коронар томирларнинг эндоваскулярь реваскуляризациясидан сўнг, сурункали юрак етишмовчилиги ва 2 тур қандли диабет билан оғриган беморларни кузатишда Галектин-3 ва Н-ФАВР биомаркерлари концентрациясини ўрганиш зарурлиги, бунинг сабаби, Галектин-3 ва Н-ФАВРни аниқлаш тестининг юқори сезувчанлиги ва ўзига хослиги бу маркерларнинг юрак-қон томир асоратларини эрта ташхислашдаги қийматини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 2-тур қандли диабет билан касалланган беморларда коронар томирларнинг эндоваскулярь реваскуляризациясида галектин-3 ва Н-ФАВР маркерларнинг самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Ўзбекистонда кенг қамровли клиник ва лаборатор тадқиқотлар асосида эндоваскулярь реваскуляризацияси (КТЕР) ўтказилган 2-тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда Галектин-3 ва Н-ФАВР биомаркерларининг ташхис ва прогностик аҳамияти асосланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМнинг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 майда 5-сон билан тасдиқланган «Иккинчи тур қандли диабет бўлган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги оқими хусусиятлари ва прогностик маркерларнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭАТМ Самарқанд филиали бўйича 04.07.2023 йилдаги 30-сон ва Фарғона филиали бўйича 07.07.2023 йилдаги 49-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/46-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда операциядан кейинги дастлабки даврда галектин-3 ва Н-ФАВР биомаркерлари миқдорини аниқлашни жорий этиш юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 37 миллиондан 58 миллионгача сўм маблағлар операциядан кейинги дастлабки даврда 2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда юрак-қон томир асоратлари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: КТЕР дан 3 ой ўтгач, Галектин-3 ва Н-ФАВР миқдорлари сезиларли даражада пасайиши аниқланиш асосида миокарддаги яллиғланиш-фибротик ва ишемик жараёнларнинг камайганлигини кўрсатади ва реваскуляризация самарадорлигининг эрта даврдаги мезони сифатида хизмат қилиши мумкинлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Галектин-3 ва Н-ФАВР биомаркерларининг ташхис ва прогностик аҳамияти асосланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМнинг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 майда 5-сон билан тасдиқланган «Иккинчи тур қандли диабет бўлган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги оқими хусусиятлари ва прогностик маркерларнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭАТМ Самарқанд филиали бўйича 04.07.2023 йилдаги 30-сон ва Фарғона филиали бўйича 07.07.2023 йилдаги 49-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/46-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 2 тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда галектин-3, Н-ФАВР, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари, марказий гемодинамикани комплекс баҳолаш операциядан олдинги ва кейинги даврда кардиоваскуляр асоратларнинг турли хил хавф омилларини ҳар томонлама қамраб олишга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 10 миллион сўм маблағлар ҚД2 ва СЮЕ билан оғриган беморларда КВАни эрта ташхислаш орқали шифохонада қолиш муддати 10 кунгача камайиши натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: илк бор, ЭхоКГ маълумотларига кўра марказий гемодинамик кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлмаса ҳам, Галектин-3 ва Н-ФАВР миқдорининг ўзгариши жарроҳлик амалиётдан кейин миокарднинг метаболик ва морфофункционал ҳолатининг яхшиланишини ҳолисона баҳолаш имконини бериши исботланганлиги бўйича Галектин-3 ва Н-ФАВР биомаркерларининг ташхис ва прогностик аҳамияти асосланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМнинг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 майда 5-сон билан тасдиқланган «Иккинчи тур қандли диабет бўлган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги оқими хусусиятлари ва прогностик маркерларнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭАТМ Самарқанд филиали бўйича 04.07.2023 йилдаги 30-сон ва Фарғона филиали бўйича 07.07.2023 йилдаги 49-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/46-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* КВО ривожланиши хавф омилларининг кўп омилли таҳлили бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар ўрганилган беморлар гуруҳида хавф тоифаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса операциядан кейинги ногиронлик ва ўлим даражасини пасайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида давланиш учун сарфланадиган 4,5 миллион сўмдан 15 миллион

сўмгача маблағлар нормал биокимёвий кўрсаткичлар билан амбулатор назоратдаги беморларни ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: РОС таҳлили асосида Галектин-3 ва H-FABP учун чегаравий қийматлар аниқланган ва бу қийматлар эндоваскуляр реваскуляризациядан сўнг 2-тур қандли диабет билан касалланган беморларда юрак етишмовчилигининг қайталаниш хавфини эрта аниқлашда юқори сезувчанлик ва спецификликка эга эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМнинг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 11 майда 5-сон билан тасдиқланган «Иккинчи тур қандли диабет бўлган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги оқими хусусиятлари ва прогностик маркерларнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭАТМ Самарқанд филиали бўйича 04.07.2023 йилдаги 30-сон ва Фарғона филиали бўйича 07.07.2023 йилдаги 49-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 июндаги 19/46-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* сурункали юрак етишмовчилиги бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларни кузатиш динамикасида ўрганиш самарадорлиги кўрсатиб берилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даовланиш учун сарфланадиган 8-10 миллион сўм маблағлар ишлаб чиққан хавф шкаласини таҳлил қилиш орқали ҚД2 ва СЮЕ бўлган беморларда операциядан кейинги эрта даврда КВА профилактика чоратадбирларини амалга оширган ҳолда беморни тўғри даволаш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланади, унинг мақсад ва вазифалари белгиланади, диссертациянинг объекти ва предмети тавсифланади. Шунингдек, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилади, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилади. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилади ҳамда уларнинг

соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилиши ёритилади. Нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг «**2-тур қандли диабет билан хасталанган, юрак етишмовчилиги асорати қўшилган беморларда коронар томирлардаги хирургик муолажалардан кейинги натижаларни прогнозлашда биомаркерлар аҳамияти ҳақидаги замонавий тушунчалар бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар шарҳи асосида ҚД2 ва СЮЕ тарқалиши, этиологияси, патогенези каби жиҳатлар кўриб чиқилган. Эндovasкуляр ревазуляризация ва КТЭР ва АКШдан сўнг юрак-қон томир асоратлари прогнозиди ялғиланиш маркерларининг аҳамияти ҳақидаги адабиётлар таҳлили ўтказилди. Шунингдек, ҚД2 билан оғриган беморларда ЮЕ даволашнинг замонавий усуллари тўғрисидаги илмий маълумотлар акс эттирилган. Юқорида келтирилган барча маълумотлар ушбу тадқиқотнинг долзарблигини яққол кўрсатади.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида академик В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий марказида 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда СЮЕ билан оғриган жами 2000 нафар бемор (шундан 356 нафари ҚД2 ва 1644 нафари ҚД2 бўлмаган) маълумотлари келтирилган. Улардан ҚД2 ва СЮЕ мавжуд 356 нафар бемор орасида 233 нафарига КТЭР ва 123 нафарига АКШ ўтказилди. Кейинчалик, биз 2000 нафар СЮЕ билан оғриган беморлар орасидан танлаб, академик В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий марказида академик Ё.Х. Тўракулов номидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази билан тузилган илмий шартнома асосида коронар томирларнинг КТЭР/АКШ ўтказилган ҚД2 мавжуд ва ҚД2 мавжуд бўлмаган 80 нафар беморни (проспектив) қўшимча текширувдан ўтказдик.

Академик В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида СЮЕ бўлган ҚД2 билан касалланган 300 нафар бемор (проспектив равишда) кўриқдан ўтказилди. Шундан, коронар томирларнинг эндovasкуляр ревазуляризацияси (КТЭР) ўтказилган ҚД2 ва СЮЕ билан оғриган 80 нафар бемор кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

Кузатувдаги барча 80 нафар бемор 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ - КТЭР ўтказилган ҚД2 ва СЮЕ билан касалланган 25 нафар бемор, 2-гуруҳ - КТЭР ўтказилган 2-тур ҚД бўлмаган СЮЕ билан оғриган 25 нафар бемор, 3-гуруҳ - СЮЕ ва 2-тур ҚД билан касалланган, АКШ ўтказилган 10 нафар бемор, 4-гуруҳ - АКШ ўтказилган 2-тур ҚД бўлмаган СЮЕ билан оғриган 10 нафар бемор. Назорат гуруҳини СЮЕ бўлмаган 2-тур ҚД билан оғриган 10 нафар бемор ташкил этди.

Ушбу беморларнинг 29 нафари аёллар, 51 нафари эркеклар эди. Эркекларнинг ўртача ёши $67 \pm 4,2$ ёш, аёлларнинг эса $64 \pm 5,6$ ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳини шу ёшдаги СЮЕ бўлмаган 2-тур ҚД билан оғриган 10 нафар бемор ташкил этди.

Танлов мезонлари: СЮЕ билан кечувчи 2- тур қандли диабет, эркаклар ва аёллар.

Истисно мезонлари: ҳомиладор аёллар, 1- тур ҚД билан оғриган болалар ва ёшлар, ўткир буйрак ва юрак касалликлари, сурункали буйрак касаллигининг (СБК) 4-5 босқичлари, бириктирувчи тўқима касалликлари, васкулитлар, амилоидоз, висцерал семириш, гидронефроз, тизимли саратон.

Хавф омиллари ва 2-тур қандли диабет ЖССТ диагностик мезонлари (1999-2006) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Эндокринология РИЭИАТМ клиник тавсиялари (2019) асосида ташхисланган.

1-жадвалда беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимооти келтирилган.

1-жадвал

Проспектив ўрганилган 80 нафар беморнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши (ЖССТ, 2017 йил)

Кўрсаткичлар		Беморлар сони (n=80)									
		1 гуруҳ (n= 25)		2 гуруҳ (n=25)		3 гуруҳ (n=10)		4 гуруҳ (n=10)		Назорат (n=10)	
		мут лақ	%	мут лақ	%	мут лақ	%	мут лақ	%	мут лақ	%
Ёш давралари, йил	18-44	4	16,0	-	-	-	-	-	-	-	-
	45-59	1	4,0	7	28,0	1	10,0	3	30,0	4	40
	60-74	20	40,0	18	72,0	9	90,0	7	70,0	6	60
	75 ва юқори	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами		25	31,3	25	31,3	10	12,5	10	25,0	10	12,5
Ўртача ёш		62,7±5,6		61,6±7,8		63,8±6,9		64,7±3,6		62,5±7,8	
Жинс	Эркак	19	76,0	18	72,0	6	73,3	4	40,0	4	40,0
	Аёл	6	24,0	7	28,0	4	26,6	6	60,0	6	60,0
Жами		25	31,3	25	31,3	10	12,5	10	12,5	10	12,5

Беморларнинг ёшини аниқлашда биз 2017 йилда ЖССТ Европа минтақавий бюросининг семинарида қабул қилинган ёш тоифалари таснифига асосландик. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, эркаклар ва аёллар орасида 60 ёшдан 74 ёшгача бўлган беморлар устунлик қилган - 80 беморнинг 47 нафари (58,7%) шу ёш тоифасига мансуб бўлган.

Биз комплекс текширувни кетма-кет уч босқичда амалга оширдик. Биринчи босқич сурункали юрак етишмовчилиги билан асоратланиб, аортокоронар шунтлаш ўтказилган 2-турдаги қандли диабети бўлган 300 нафар беморнинг ретроспектив таҳлилидан иборат бўлди.

Иккинчи босқичда академик В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази поликлиникаси шароитида сурункали юрак етишмовчилиги билан 2-тур қандли диабетни истиқболли аниқлаш бўйича чуқурроқ тадқиқот ўтказилди. Унда текширилаётган беморлар гуруҳида барча маълумотлар тўпланган ҳолда аортокоронар шунтлаш тавсия этилди. Жами 80 нафар бемор танлаб олинди.

Учинчи босқичда операциядан олдин ва кейин турли муддатларда махсус текширувлар ўтказилди. Шунингдек, қон таҳлили ва бошқа тадқиқотлар амалга оширилди.

Ретроспектив маълумотлар



Тадқиқот лойиҳаси



1-расм. Тадқиқот лойиҳаси

Стеноз кўрсаткичи $>70\%$ бўлган йирик эпикардиал томирлар ёки уларнинг тармоқлари, ёки чап асосий ствол стенози $>50\%$ бўлганлари, хирургик амалиётни талаб қиладиган сезиларли стенозлар сифатида белгиланди. Бу томирларга коронар томирларнинг эндоваскуляр реваскуляризацияси (КТЭР) ёки стентлаш (50 беморда) ўтказилди. Дори қопламали ёки қопламасиз металл стентлар қўлланилди. КТЭРдан сўнг беморлар уйга жавоб берилишидан олдин ҳар қандай асоратларни истисно этиш мақсадида интенсив терапия бўлимида бир кеча давомида кузатув остида

бўлдилар. Чап коронар артерия ўзаги ва асосий юрак артерияларининг 50% дан ортиқ торайиши каби ўзгаришлар; ёки чиқариш фракцияси 50% дан кам пасайган ЮИК ҳоллари АКШ учун кўрсатма бўлди.

20 нафар беморга аорта-коронар шунтлаш (АКШ) операцияси ўтказилди.

Коронарография текшируви ва операциялар (КТЭР, АКШ) академик В.В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилди.

Олинган маълумотлар Microsoft Excel va STATISTICA 6 компьютер дастурлари ёрдамида таҳлил қилинди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланди. Маълумотлар намуналари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик 95% аҳамиятлилик даражаси ($p < 0,05$) билан баҳоланди. Рақамли маълумотлар ўртача қийматлар ($M \pm m$) кўринишида тақдим этилди. Натижалар $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида статистик жиҳатдан ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**2-тур қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда коронар артерияларнинг эндоваскуляр реваскуляризацияси ва аортокоронар шунтлашдан (АКШ) олдин ва кейин қоннинг клиник-биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда марказий гемодинамика параметрларини ўрганиш**» деб номланган. Эркаклар орасида умумий ҳолсизлик (100%), терлаш (94,2%), кўкрак қафасидаги сиқувчи оғриқлар, қон босимининг беқарорлиги (90,2%), тинч ҳолатда нафас қисилиши, юрак уриши (88,2%), жисмоний зўриқишда ҳаво етишмаслиги ҳисси (86,3%), тез чарчаш (74,5%), озиб кетиш (64,7%), тўш орқасидаги оғриқлар (64,7%) ва бошқа шикоятлар устунлик қилди. Аёлларда кўпроқ терлаш (96,5%), умумий ҳолсизлик (93,1%), жисмоний зўриқишда ҳаво етишмаслиги ҳисси, кўкрак қафасида сиқувчи оғриқлар ва тинч ҳолатда нафас қисилиши, дил ўйнаши, қон босимининг беқарорлиги (89,6%) бош оғриғи (79,3%), каби шикоятлар кузатилди. Ушбу шикоятлар эркаклар ва аёлларда тахминан бир хил частотада намоён бўлди.

Бунда инфарктдан кейинги кардиосклероз кўпроқ эркакларда (45,1%), ҚД бўйича оғирлашган ирсият ҳам кўпроқ эркакларда (35,29%) кузатилган, шунингдек ЮИК зўриқиш стенокардияси ФС: 51 ҳолатдан 42 тасида (82,35%) аниқланган. ЮҚТК бўйича ирсият аёлларда устунлик қилган - 29 ҳолатдан 4 тасида (13,79%). ҚД 2-турининг макротомир асоратлари ҳам эркакларда кўпроқ учраган: диабетик полинейропатия (21,57%), диабетик ретинопатия (5,88%), 1-2 даражали диабетик нефропатия (17,65%).

Таъкидлаш жоизки, зарарли одатлар орасида чекиш аёлларда кўпроқ учраган: 29 тадан 24 (82,7%) ҳолатда, эркакларда эса 51 тадан 6 (11,7%) ҳолатда кузатилган. 22 нафар (43,1%) эркак ва 3 нафар (10,3%) аёл спиртли ичимликларни суиистеъмол қилган. Зарарли одатларнинг бошқа турлари 22 (43,1%) эркак ва 4 (13,7%) аёлда қайд этилган.

Касалликнинг давомийлигига кўра шикоятларнинг хусусиятларини ўргандик. Бунда беморлар касалликнинг давомийлиги бўйича қуйидагича тақсимланди: 1 йилгача - 34 нафар, 1 йилдан 5 йилгача - 12 нафар, 5 йилдан 10 йилгача - 12 нафар, 10 йилдан ортиқ - 9 нафар. Беморларнинг шикоятларини

таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, касаллик давомийлиги 5 йилдан 10 йилгача ва 10 йилдан ортиқ бўлган беморларда шикоятлар кўпроқ кузатилган.

2-жадвал

Клиник тавсиф

1-гурӯх беморларининг коронар қон томирларини эндоваскуляр усулда қайта тиклашдан олдинги ва кейинги клиник тавсифи				
1-гурӯх ҚД2+СЮЕ n=25	КТЭРгача n=25	КТЭРдан 3 ой ўтгач n=25	P	Назорат n=10
Ёш	64.6±6.44	64.6±6.44	P=1.000	48.2±10.6
ТВИ	30.1±4.86	28.1±2.86	P<0.05	28.1±3.40
САБ	132.0±12.4	120.0±8.35	P<0.001	119.0±11.0
ДАБ	82.8±6.78	82.0±7.07	P=0.694	75.0±7.07
2-гурӯх беморларининг коронар қон томирларини эндоваскуляр реваскуляризация қилишдан олдинги ва кейинги клиник тавсифи				
2-гурӯх, ҚД2сиз СЮЕ, n=25	КТЭРгача n=25	КТЭРдан 3 ой ўтгач n=25	P	Назорат n=10
Ёш	58.0±9.94	58.0±9.94	P=1.000	48.2±10.6
ТВИ	29.5±7.12	28.1±7.12	P=0.734	28.1±3.40
САБ	130.0±16.5	122.0±9.34	P=0.032	119.0±11.0
ДАБ	78.2±6.90	77.0±6.77	P=0.443	75.0±7.07
Аорта-коронар шунтлаш (АКШ) операциясидан олдин ва кейин 3-гурӯх беморларининг клиник тавсифи				
3-гурӯх СЮЕ ва ҚД2, n=10	АКШгача n=10	АКШдан 3 ой ўтгач n=10	P	Назорат n=10
Ёш	64.1±5.30	63.3±4.32	P=0.791	48.2±10.6
ТВИ	31.0±4.48	30.8±4.76	P=0.970	28.1±3.40
САБ	132.0±12.3	129.0±12.9	P=0.583	119.0±11.0
ДАБ	80.0±8.16	81.0±7.38	P=0.776	75.0±7.07
4-гурӯх беморларининг аорта-коронар шунтлашдан (АКШ) олдинги ва кейинги клиник тавсифи				
4-гурӯх, ҚД2сиз СЮЕ, n=10	АКШгача n=10	АКШдан 3 ой ўтгач n=10	P	Назорат n=10
Ёш	63.0±6.55	63.0±6.55	P=1.000	48.2±10.6
ТВИ	30.4±4.21	28.4±4.21	P=0.264	28.1±3.40
САБ	134.0±8.43	127.0±11.6	P=0.204	119.0±11.0
ДАБ	82.0±4.22	78.0±4.22	P=0.547	75.0±7.07

Изоҳ: p – кўрсаткичлар орасидаги фарқларнинг ишончлилиги мезони, * p – даволашдан олдинги кўрсаткичлар ва назорат маълумотлари орасидаги фарқларнинг ишончлилиги мезони, бунда * – p < 0,05 ни билдиради

2-жадвалда 1-гурӯх беморларининг коронар томирлар эндоваскуляр реваскуляризацияси (КТЭР) бажарилишидан олдин ва 3 ойдан кейин лаборатория-инструментал кўрсаткичлари келтирилган. 2-жадвалдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1-гурӯх беморларида КТЭРдан 3 ой

ўтгач, ТВИ ($p < 0,05$) ва САБ ($p < 0,001$) сезиларли даражада пасайган, ДАБ эса пасайган, аммо бу статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p = 0,694$).

2-гуруҳ беморларининг коронар томирларни эндоваскуляр реваскуляризация (КТЭР) қилишдан олдин ва 3 ойдан кейин олинган лаборатор ва инструментал текширув натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, 2-гуруҳ беморларида КТЭРдан 3 ой ўтгач, ТВИ ($p = 0,734$), САБ ($p = 0,032$), ДАБ ($p = 0,443$) кўрсаткичларининг сезиларли даражада пасайиши кузатилмаган.

3-гуруҳ беморларининг аорта-коронар шунтлаш (АКШ) амалиётидан олдин ва 3 ойдан кейин олинган лаборатория-инструментал текширув натижаларига кўра, АКШ дан 3 ой ўтгач, ТВИ ($p = 0,970$), САБ ($p = 0,583$), ДАБ ($p = 0,776$) кўрсаткичларининг сезиларли даражада пасайиши кузатилмади.

4-гуруҳ беморларининг АКШ бажарилишидан олдин ва 3 ойдан кейин лаборатор-инструментал текширувида беморларда АКШдан 3 ой ўтгач, ТВИ ($p = 0,264$), САБ ($p = 0,204$), ДАБ ($p = 0,547$) нинг сезиларли даражада пасайиши кузатилмади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2-тур ҚД ва СЮЕ бўлган 1-гуруҳ беморларида КТЭР ўтказилгандан сўнг, операциядан кейинги эрта даврда бошқа гуруҳларга нисбатан клиник ва гемодинамик кўрсаткичларнинг сезиларли даражада яхшиланиши кузатилди.

1-гуруҳдаги ҚД 2-тури ва СЮЕ мавжуд беморларда эндоваскуляр реваскуляризациядан 3 ойдан сўнг биокимёвий кўрсаткичлар, хусусан АСТ ($p < 0,01$), креатинин ($p < 0,05$), фибриноген ($p < 0,01$) ва протромбинли индекс ($p < 0,05$) кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланганлиги аниқланди.

ҚД 2-турисиз СЮЕ билан оғриган беморларда КТЭРдан 3 ой ўтгач биокимёвий кўрсаткичлар, хусусан АСТ ($p < 0,01$), креатинин ($p < 0,05$), фибриноген ($p < 0,01$) ва ПТИ ($p < 0,05$) сезиларли даражада яхшиланиши кузатилди.

Бундан ташқари, СЮЕ + ҚД2 бўлган 3-гуруҳ беморларида АКШ дан 3 ой ўтгач, биокимёвий кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши кузатилди, хусусан ТГ ($p < 0,01$), ЮЗЛП ($p < 0,05$), ПЗЛП ($p < 0,05$), АЛТ ($p < 0,01$), АСТ ($p < 0,01$) ва мочевино ($p < 0,05$) кўрсаткичлари бўйича.

ҚД2 бўлмаган СЮЕ билан оғриган 4-гуруҳ беморларида АКШ дан 3 ой ўтгач, биокимёвий кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши аниқланди, хусусан ТГ ($p < 0,05$), ЮЗЛП ($p < 0,05$), умумий оқсил ($p < 0,05$), креатинин ($p < 0,05$) ва фибриноген ($p < 0,01$) кўрсаткичлари бўйича.

Шундай қилиб, таққосланган гуруҳларда КТЭРдан ва АКШдан 3 ой ўтгач, биокимёвий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили беморларнинг 3 ва 4-гуруҳларида энг яхши натижаларни кўрсатди, бу гуруҳларда липид ва оқсил алмашинуви кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. 1 ва 2-гуруҳ беморларида КТЭРдан 3 ой ўтгач, АСТ ($p < 0,01$), креатинин ($p < 0,05$), фибриноген ($p < 0,01$), ПТИ ($p < 0,05$) каби кўрсаткичларнинг ишончли пасайиши кузатилди. Умуман олганда, бажарилган жарроҳлик амалиётлари бир қатор биокимёвий кўрсаткичларнинг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, биз ўрганилаётган гуруҳларда марказий гемодинамикани текширдик (3-жадвал).

3-жадвал

1-2-3-4-гуруҳ беморларининг Эхо-ЭКГ натижалари

1-гуруҳ беморларининг коронар қон томирларини эндоваскуляр усулда қайта тиклашдан олдинги ва кейинги Эхо-ЭКГ натижалари					
	n=25	КТЭРгача n=25	КТЭРдан 3 ой ўтгач n=25	P	Назорат n=10
1-гуруҳ ҚД2+СЮЕ	ЭКГ	75.5±7.42	75.5±7.42	P=1.000	76.2±5.12
	ОДХ	133.0±39.1	127.0±33.1	P=0.705	135±28.7
	ОСХ	57.0±21.4	58.2±19.1	P=0.560	48±13.5
	ЗХ	71.5±17.3	69.7±17.1	P=0.403	72±18,6
	ОФ	56.2±7.23	59.2±5.88	P=0.059	52±8,9
2-гуруҳ беморларининг коронар томирларни эндоваскуляр реваскуляризация қилишдан олдин ва кейинги Эхо-ЭКГ натижалари					
	n=25	n=25	n=25	P	n=10
2-гуруҳ ҚД2сиз СЮЕ	ЭКГ	74.7±10.5	70.7±10.5	P=0.457	76.2±5.12
	ОДХ	121.0±40.4	121.0±25.06	P=0.991	135±28.7
	ОСХ	54.9±28.9	56.4±20.20	P=0.267	48±13.5
	ЗХ	66.1±16.9	68.0±8.73	P=0.749	72±18,6
	ОФ	54.1±13.9	59.0±6.94	P=0.016	52±8,9
3-гуруҳ беморларининг аорта-коронар шунтлаш (АКШ) операциясидан олдин ва кейинги Эхо-ЭКГ натижалари					
	n=10	АКШгача n=10	АКШдан 3 ой ўтгач n=10	P	Назорат n=10
3-гуруҳ СЮЕ ва ҚД2	ЭКГ	73.8±7.04	72.5±5.84	P=0.948	76.2±5.12
	ОДХ	141.0±81.8	142.0±81.5	P=0.791	135±28.7
	ОСХ	40.5±7.5	37.5±5.3	P=0.733	48±13.5
	ЗХ	66.6±13.75	66.6±5.97	P=0.545	72±18,6
	ОФ	54.5±12.9	57.5±6.17	P=0.849	52±8,9
4-гуруҳ беморларининг аорта-коронар шунтлаш (АКШ) операциясидан олдин ва кейинги Эхо-ЭКГ натижалари					
	n=10	АКШгача n=10	АКШдан 3 ой ўтгач n=10	P	Назорат n=10
4-гуруҳ, ҚД2сиз СЮЕ	ЭКГ	72.4±7.71	72.4±7.71	P=1.000	76.2±5.12
	ОДХ	131.0±12.4	121.0±15.0	P=0.240	135±28.7
	ОСХ	55.3±13.2	51.1±11.1	P=0.595	48±13.5
	ЗХ	72.8±6.03	69.8±7.41	P=0.287	72±18,6
	ОФ	55.9±6.90	58.0±5.08	P=0.466	52±8,9

Изоҳ: p - кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги мезони, * p - даволашдан олдинги кўрсаткичлар ва назорат маълумотлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги мезони, бунда * - p < 0,05

3-жадвалдан кўришиб турибдики, 3 ойдан кейинги динамикада 1-2-3-4 гуруҳларда ЭКГ, ОДХ, ОСХ, ОФ ва ЗХ кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Барча беморларда ОФ ўртача 50% дан юқори эди. Шундай қилиб, КТЭР ва АКШ дан 3 ой ўтгач, беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларида марказий

гемодинамика кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Умуман олганда, коронарография маълумотларини таҳлил қилиш барча гуруҳларда, айниқса беморларнинг 1 ва 2-гуруҳларида турли коронар артерияларнинг критик стенози ҳамда окклюзиясининг биргаликдаги шикастланишини кўрсатди.

Илгари таъкидланганидек, беморларни касалликнинг давомийлигига кўра қуйидагича тақсимладик: 1 йилгача - 34 нафар, 1 йилдан 5 йилгача - 12 нафар, 5 йилдан 10 йилгача - 12 нафар, 10 йилдан ортиқ - 9 нафар бемор. Клиник-демографик кўрсаткичларни касаллик давомийлигига қараб ўрганиш бевосита боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатди: жумладан, ёш, ТВИ, ЭКГ маълумотлари, Эхо-ЭКГ, биокимёвий кўрсаткичлар касалликнинг давомийлиги ошиши билан сезиларли даражада ўзгармади.

